

**SCIENCE
PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 9 (3) - 2023

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES**



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL**

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 9 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Раја Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўкташович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Ҳатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Ҳамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б., Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яҳшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукахаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Турдиев Бехруз Собирович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Бухоро давлат университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Ҳуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфизилиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси

Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Файбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Юсупов Сардорбек Баходирович – юридик фанлар доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа оқтори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судъялар олий кенгаши хузуридаги Судъялар олий мактаби;

Жўраев Шерзод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Бабаджанов Атабек Давронбекович – юридик фанлар номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;
Тайланова Шоҳида Зайниневна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиги.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насридин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари** электрон журнали
1368-сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.
Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик
Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Телеграм канал:
https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Mamajonov Rahimjon Akramovich

“VII-VIII ASRLARDA ARAB XALIFALIGI ISTILOSIGA QARSHI KURASHDA MAHALLIY HUKMDORLARNING O’RNI VA ROLI” MAVZUSIGA OID INGLIZ TILLI TADQIQOTLAR TAHЛИLI 10-16

Облобердиев Жасурбек Косим угли

МЕРЫ НАКАЗАНИЯ, ПРИМЕНЯЕМЫЕ В БУХАРСКОМ ЭМИРАТЕ В КОНЦЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВВ 17-22

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Tursunov Bekmuhammad Om'onovich

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ МЕЗОН ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ 23-34

Kurpajaniidi Константин Иванович

ИССЛЕДОВАНИЕ ТРАНСФОРМАЦИИ ЭКОНОМИКИ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ СИСТЕМ УПРАВЛЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ ЧЕРЕЗ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНЫЕ РЕФОРМЫ 35-44

Ahmedov Shohjaxon

O’ZBEKİSTONDA CHAKANA SAVDONI RIVOJLANISH TENDENSIYALARI TAHЛИLI 45-51

Кулибоев Азамат Шоназарович

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛЬТЕРИЯ ҲИСОБИННИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ 52-62

Rўзиев Абдумалик Ортиғалиевич

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ РАҶАМЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШДА МИҚДОРИЙ ВА АҲБОРОТ ТАҲЛИЛИ МЕТОДОЛОГИЯСИ 63-73

Abduraxmanova Shoxida Ravshanovna

TIBBIYOT MUASSASALARIDA RAQOBATBARDOSHLIKNI BOSHQARISHNI TAKOMILLASHTIRISH 74-80

Davronov Istamxo’ja Olimovich

МЕНМОНХОНА XIZMATLARI RAQOBATBARDOSHLIGI VA SIFATINI BAHOLASH USULLARI 81-86

Маматов Баҳадир Сафаралиевич

ҲУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ 87-96

Шолдаров Дилшод Азимиiddин ўғли

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАР УЧУН НАФАҚА ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ТАЙИНЛАШ ВА ТҮЛАШ ТАРТИБИ 97-104

Баратов Махсудали Назиралиевич

МИКРОМОЛИЯВИЙ ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ 105-116

<i>Ergashev Islom Ismoilovich</i>	
KESKIN RAQOBAT SHAROITIDA XIZMAT KO'RSATISH KORXONALARI INVESTITSION JOZIBADORLIGINI OSHIRISHNING METODOLOGIK ASOSLARI	117-127
<i>Кодиров Азизжон Анварович</i>	
ЎТИШ ИҚТИСОДИЁТИ МАМЛАКАТЛАРИДА ЭКОТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АМАЛИЁТИ	128-136
<i>Эшонқулов Акмал Кудратович</i>	
ПРОБЛЕМЫ ПРОВЕДЕНИЯ АНАЛИЗА ДЕНЕЖНЫХ ПОТОКОВ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН	137-142
<i>Астанов Шерзод Рустамович</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ ЖАЛЬ ҚИЛИШНИНГ ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	143-150
09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ	
<i>Abdullahayev Ibodulla Abdullayevich</i>	
YOSHLARNI MILLIY G'URUR RUHIDA TARBIYALASHDA OILA VA OILAVIY QADRIYATLARDAN UNUMLI FOYDALANISH USULLARI	151-155
<i>Turabova Sevara Kattaqulovna</i>	
BAHS-MUNOZARALARDA QO'LLANILADIGAN TUZOQLAR VA MANIPULYATSION (SPEKULYATIV) USULLAR	156-164
<i>Alimatova Nargis Abduxalilovna</i>	
BARQAROR RAQOBAT USTUNLIGI-RAQOBATBARDOSHLIK OMILI	165-174
<i>Allayarova Marhabo Mavlonovna</i>	
UCHINCHI RENESSANS DAVRIDA YOSHLAR BADIY IJODINI RIVOJLANTIRISH ZARURIYATI	175-179
<i>Рахманов Баҳодир</i>	
СИНЕРГЕТИК ТАФАККУР: ФАЛСАФИЙ МЕРОСИМИЗНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ АҲАМИЯТИ	180-186
<i>Abdiraxmanov Muzaffar Zaripbayevich</i>	
ABU ALI IBN SINONING XORAZM MA'MUN AKADEMISIDAGI FAOLIYATI	187-191
<i>Mirzaxalov Xojiakbar Tajibayevich</i>	
JAMIYATDA GENDER TENGLIGI MUAMMOSINING IJTIMOIY-FALSAFIY TAHLILI	192-197
<i>Azimov Ashirali Mehmonboyevich</i>	
XOTIN-QIZLAR GENDER MA'RIFATINING IJTIMOIY BARQARORLIKKA TA'SIRI	198-202
<i>Azimov Sherzod</i>	
PHILOSOPHICAL REFLECTION ON THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF SPORT IN SOCIETY	203-207
<i>Абдурахмонович Ҳасан Иброҳимович</i>	
ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ИННОВАЦИОН ТАФАККУРИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ	208-216

10.00.00 - ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ*Kuliyeva Dilshoda Aljon qizi*

QUMAN TOPISHMOQLARINING O'ZBEK FOLKLORIDAGI PARALLEL SHAKLLARI 217-223

*Tешабаева Диляфузә Муминовна, Абдухалирова Гулбаҳор Карабаевна
ТУРИЗМ СОҲАСИГА ОИД СЎЗ ВА ИБОРАЛАРНИ ПРЕФИКСЛАР ЁРДАМИДА*

ЯСАЛИШИ 224-230

Abdinazarov Uktam Qushoqovich

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA GIPPOLOGIK TERMINLARNING LINGVISTIK TADQIQI..231-236

Axmedova Shaxodat Maxmutovna

O'ZBEK XALQ PAREMALARIDA SHIFO KONSEPTINING IFODALANISHI..... 237-241

Ruziyev Xusniddin Baxritdinovich

JAHON TILSHUNOSLIGIDA PAREMALAR TADQIQI 242-246

*Vositov Otobek Toxirjonovich*TABIATNING ATMOSFERA HODISASI UMUMIY MA'NOSI VA LEKSIK SEMANTIK
GURUHLARNING STRUKTURAL XUSUSIYATLARI 247-253*Нодир Раҳматуллаев*

НАЗАР ЭШОНҚУЛ НАСРИДА ШАРПА АРХЕТИПИНИНГ ТАЛҚИНИ 254-260

12.00.00 - ЮРИДИК ФАНЛАР*Мамасобиров Давронбек Эрназарович*

ВАТАНДОШЛАР БИЛАН ИШЛАШ: ҚИЁСИЙ-ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ 261-270

*Urakov Djahongir Rajabovich, Sharipovasror Safar o'g'li*O'ZBEKİSTON RESPUBLİKASI QONUN HUJJATLARIDA FUQAROLIK JAMIYATI
INSTITUTLARNING HUQUQIY ASOSLARI 271-276**13.00.00 - ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ***Djamaldinova Shaxlo Obloberdiyevna*OLIY TIBBIY TA'LIM MUASSASALARI TALABALARI HISSIY-KOMMUNIKATIV
KOMPETENSIYASINI RIVOJLANTIRISH 277-281*Umarova Zaxro Abduraxim qizi*TALABALAR MUSTAQIL TAYYORGARLIGINI RIVOJLANTIRISHDA NOSTANDART FIKRLASH
(THINKING OUTSIDE THE BOX) NING ROLI 282-287*Kadirov Ramz Turabovich*TALABA-AKTYORLARNING SAHNA NUTQIGA OID BILIM VA KO'NIKMALARINI
TAKOMILLASHTIRISHNING SPETSIFIK TEKNOLOGIYALARI (DARS JARAYONIDAGI
MASHG'ULOTLAR MISOLIDA) 288-295*Khabiba Madaminovna Jurabekova*THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF LISTENING IN THE FORMATION OF COMMUNICATIVE
COMPETENCE OF STUDENTS IN RUSSIAN LESSONS 296-302

<i>Nishonov Akmal Obidovich, Xamrakulov Xamidullo Turgunboyevich</i>	
KLASTERLI O'ZARO TA'SIR SHAROITIDA INFORMATIKA O'QITUVCHILARINING MALAKASINI OSHIRISH JARAYONINI MODELLASHTIRISH MASALALARI	303-310
<i>Ergashev Murodbek Ikromovich</i>	
MUSIQA TA'LIMIDA O'QUVCHILARNING KREATIV VA IJTIMOIY KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHNING MAVJUD IMKONIYATLARI	311-316
<i>Utkirov Nusrat Kamilovich</i>	
BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA MUTAXASSISLARINI TAYYORLASHNING KASBIY-PEDAGOGIK KOMPETENTLI TA'MINOTINI RIVOJLANTIRISH	317-322
<i>Yulbarsova Xurshida</i>	
BO'LAJAK SOTSIOLOGLARDA IJTIMOIY KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING TASHKILIY-PEDAGOGIK JIHATLARI	323-329
<i>Baychayev Fazliddin Xusenovich</i>	
BO'LAJAK KON-METALLURGIYA SANOATI MUTAXASSISLARINING ELEKTROSTATIKAGA OID NAZARIY BILIMLARINI MUSTAHKAMLASH	330-335
<i>Muminov Ulmas Ravshanqulovich</i>	
O'ZBEKİSTONDA "MAHALLA INSTITUTI" NING MAHALLIY O'Z-O'ZINI BOSHQARISH – ORGANI SIFATIDA SHAKLLANISHI, UNING HUQUQIY ASOSLARINI YARATILISHI	336-341
<i>Tajibayeva Ma'mura Tojidinovna</i>	
AJDODLARIMIZ PEDAGOGIK TA'LIMOTLARINI O'RGANISH ASOSIDA TALABALARDA G'OYAVIY DUNYOQARASHINI RIVOJLANTIRISH	342-346
<i>Askarova Zulayxo</i>	
BOSHLANG'ICH TA'LIM JARAYONIDA O'QUVCHILARNING FIKRLASH DARAJASINI ANIQLASHDA INNOVATSION METODLARDAN FOYDALANISH SAMARASI	347-352
<i>Akhmadjonova Diyora Dilshod qizi</i>	
EXPLORING THE EFFECTIVENESS OF TEACHING THROUGH ONLINE PLATFORMS	352-362
<i>Jumaniyazova Go'zal</i>	
OLIY O'QUV YURTI TALABALARINI PIRLSGA YO'NALTIRILGAN TOPSHIRIQLARNI TAYYORLASHGA O'RGATISH METODIKASI	363-367
<i>Хусаинова Лейла Юнусова</i>	
СОВРЕМЕННЫЕ ТЕНДЕНЦИИ В ОБУЧЕНИИ ФОНЕТИКЕ: ТЕХНОЛОГИИ И МЕТОДЫ	368-373
<i>Xudayberganov G'ayrat Quranboyevich</i>	
MATEMATIK KREATIV TAVSIFDAGI MASALALARINING BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARIDA KREATIV FIKRLASHINI FANLARARO ABSSESSIAL VA ORDINAL BOG'LAB SHAKLLANTIRISHDAGI O'RNI VA ROLI	374-379
<i>To'xtasinov Muhammadjon</i>	
PEDAGOGLAR KASBIY KOMPETENLIGINI OSHIRISHDA UZLUKSIZ METODIK XIZMATNING O'RNI	380-384

Eshnazarov Murod Karimovich

GERMENEVTIK YONDASHUV ASOSIDA TA`LIM MAZMUNINI RIVOJLANTIRISH

IMKONIYATLARI 385-391

08.00.00 –Иқтисодиёт фанлари

**Турсунов Бекмухаммад Омонович,
Тошкент молия институти доценти
E-mail: omonovich-0387@mail.ru**

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ МЕЗОН ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Аннотация. Мақолада миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичлари билан боғлиқ методологик тадқиқотларнинг назарий-услубий асослари тадқиқ этилган. Тадқиқот жараёнида мамлакат рақобатбардошлигини баҳолашга доир халқаро ташкилотлар ва тегишли илмий адабиётлар билан боғлиқ натижавий хуносалар тизимлаштирилган. Тадқиқот якунида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичларини гурухлаш билан боғлиқ муаллиф ёндашуви шакллантирилган.

Калитли сўзлар: миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги, рақобатбардошлик рейтинги, рақобат мұхити, макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий фаоллик, ишбилармонлик мұхити, глобаллашув жараёнлари.

**Tursunov Bekmukhammad Omonovich,
Associate professor, Tashkent institute of finance**

NATIONAL ECONOMY COMPETITIVENESS ASSESSMENT CRITERIA AND INDICATORS

Abstract. The article studies the theoretical and methodological foundations of the methodological study of criteria and indicators for assessing the competitiveness of the national economy. In the course of the study, conclusions were systematized regarding international organizations and relevant scientific literature on assessing the country's competitiveness; based on the results of the study, an author's approach to the grouping of criteria and indicators of the competitiveness of the national economy was formed.

Key words: competitiveness of the national economy, competitiveness rating, competitive environment, macroeconomic stability, economic activity, business environment, globalization processes.

**Турсунов Бекмухаммад Омонович,
Доцент, Ташкентского финансового институт**

КРИТЕРИИ И ПОКАЗАТЕЛИ ОЦЕНКИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ

Аннотация. В статье изучены теоретико-методологические основы методологического исследования критериев и показателей оценки конкурентоспособности национальной экономики. В ходе исследования были систематизированы выводы, касающиеся международных организаций и соответствующей научной литературы по оценке конкурентоспособности страны, по итогам исследования сформирован авторский подход к группировке критериев и показателей конкурентоспособности национальной экономики.

Ключевые слова: конкурентоспособность национальной экономики, рейтинг конкурентоспособности, конкурентная среда, макроэкономическая стабильность, экономическая активность, бизнес-среда, процессы глобализации.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I9Y2023N03>

Кириш. Бугунги қунда мамлакатимиз иқтисодиётининг тармоқ ва соҳалари фаолиятида олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодиёт субъектлари учун тегишли шарт шароитларни шакллантиришнинг комплекс ифодасини ўзида акс этади. Мазкур ислоҳотлар иқтисодиёт тармоқлари фаолиятининг тузилмавий таркибини такомиллаштириш, бандликнинг интеллектуал таркиби ҳисобига ялпи қўшилган қийматни яратишда технологик самарадорликни ошириш имкониятини яратиб беради. Шунингдек, тармоқлар фаолиятида бозор муносабатларини ривожлантириш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини такомиллаштириш, мавжуд ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали ва оқилона фойдаланиш жараёнлари иқтисодиёт тармоқлари рақобатбардошлигини ошириш учун хизмат қиласди.

Мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш доирасида амалга оширилаётган тизими чора тадбирлар ва уларнинг устувор йўналишлари хусусида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида қуйидагича тўхталиб ўтди: “Бу йил бошланган “Янги Ўзбекистон – рақобатбардош маҳсулотлар юрти” дастури ўз самарасини бермоқда. Бир йилнинг ўзида 2 мингга яқин тадбиркорлар илк бор ташқи бозорларга чиқди.

Келгуси йилда ҳам экспорт қилувчиларга транспорт ва бошқа харажатларини компенсация қилиш давом эттирилади. Европа бозорларига текстиль, электр техникаси, чарм-пойабзал ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини камида 2 баробар оширамиз. Маҳсулотлар экспорти бўйича ҳозирги 9 та босқичдан иборат божхона расмийлаштируви 3 баробар қисқаради. Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш бўйича асосий музокараларни якунлаб, ички қонунчиликни мослаштириш, янги стандартларни жорий этиш ишларини жадаллаштирамиз”[1].

Ўз навбатида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш жараёнлари рақобатбардошликини оширишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш, мамлакатда рақобатбардошликини таъминлаш омиллари, улардан самарали фойдаланишдаги мавжуд муаммо ва истиқболли имкониятларни баҳолашни талаб этади. Бу миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолашда тегишли кўрсаткичларни тизимлаштириш ва уларни таснифлаш билан боғлиқ илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Ушбу тадқиқотларнинг илмий-амалий аҳамияти миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолашга доир кўрсаткичлар тизимини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётининг тармоқ ва соҳаларида кечеётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни баҳолаш, минтақалар ва турли тармоқ фаолиятини истиқболли ривожлантириш имкониятларини асослаш учун хизмат қиласди.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Миллий иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳаларини рақобатбардошлик даражасини баҳолашга доир қатор тадқиқотлар хориж иқтисодчи олимларидан М.Портер томонидан кенг қамровли тартибда амалга оширилган. М.Портер тадқиқотларида мамлакат рақобатбардошлигини баҳолаш кўрсаткичларини аниқлашнинг услугубий ёндашувлари ишлаб чиқилган бўлиб, бу орқали универсал рақобатбардошлик омилларини миллий иқтисодиётга таъсирини баҳолаш, мавжуд рақобатдош афзалликларини аниқлаш, кўрсаткичларни микро, мезо ва макро даражада қўллаш йўллари кўрсатиб берилган[2; Б.230-288]. Хориж иқтисодчи олимларидан В.Кнежевич, Д.Ивкович, С.Вуйчич тадқиқотларида мамлакат рақобатбардошлигини баҳолашда бизнес юритиш тизими мукаммаллиги ва инновацияларга асосланган кўрсаткичларни шакллантиришга устуворлик берилади [3; Б.111-126].

Иқтисодчи олимлардан Р.А.Фатхутдинов тадқиқотларида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолашда мамлакат иқтисодиётини стратегик ривожлантириш шарт шароитлари ва омилларига эътибор қаратилган[4; Б.214-218]. Т.Г.Виноградова тадқиқотларида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолашга доир ёндашувларнинг хусусиятлари кўриб чиқилган бўлиб, мамлакат рақобатбардошлигини баҳолаш усулларининг таснифи келтирилган [5; Б. 84-86]. А.Г.Мокроносов томонидан амалга оширилган тадқиқотларда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолаш усулларининг асосий афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган. Шунингдек, турли соҳаларда мамлакат рақобатбардошлигига таъсир қилувчи омиллар келтирилган[6; Б. 114-122]. Н.С.Павленко томонидан амалга оширилган тадқиқотларда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолаш иқтисодий ривожланишнинг энг долзарб муаммоси сифатида эътироф этилиб, баҳолаш жараёнида ташқи бозор омиллари билан боғлиқ кўрсаткичларни шакллантиришга устуворлик берилади[7; Б. 114-122].

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан И.Х.Насимов, И.Паттерсон, К.М.Ибодов тадқиқотларида мамлакат рақобатбардошлигини баҳолашда рақобатбардошликни белгилаб берувчи омилларга нисбатан ёндашувлар амалга оширилиб, бу жараёнда ташқи муҳитни кузатиш ва таҳлил қилишга устуворлик бериш мақсадга мувофиқлиги қайд этилади[8; Б. 74-75]. Г.Н.Ахунова, Н.Н.Шамшиева тадқиқотларида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолаш иқтисодий эфектив кўламида ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, тажриба тўплаш асосида сарф-харажатларни камайтиришга интилиш, ишлаб-чиқариш ва қўшимча харажатларни қатъий назорат қилиш орқали бошқа соҳаларда чиқимларни камайтиришнинг асоси сифатида талқин этилади[9; Б.113-114]. М.Т.Яхшиева томонидан амалга оширилган тадқиқотларда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолаш миллий хўжалик тизимини босқичма-босқич шакллантириш, унинг таркиби, хусусан, тармоқ ва худудий тузилиши такомиллаштириш асоси эканлиги қайд этилади[10; Б.224-226]. Д.С.Салаев тадқиқотларида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини аниқлаш кўрсаткичларини шакллантириш ва амалга оширишда глобал рақобатбардошлик индекси бўйича ёндашувларни амалга оширишга устуворлик берилади [11; Б.7-13].

Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини мезон ва кўрсаткичларини шакллантиришга доир юқоридаги тадқиқотларда, рақобатбардошликни баҳолаш

жараёнига нисбатан иқтисодиётни комплекс ривожланишига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, тармоқ ёки соҳа иқтисодиётини узоқ тарихий ривожланиш характерига эга эканлиги, унинг тузилмавий таркиби, ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқ қатор омилларга эътибор берилмаган.

Муҳокама. Рақобатбардошликтин баҳоловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантиришда реал объектнинг рақобатбардошликтин ҳолатини тўлиқ тавсифлашга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, реал объектнинг рақобатбардошликтин ҳолатини тўлиқ тавсифлаш имкониятини шакллантиришга хизмат қилувчи кўрсаткичлар тизимини шакллантиришда баҳолаш жараёнидаги мутлақ ва нисбий ўзгарувчан қийматларга эътибор қаратиш лозим.

Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолашнинг кўрсаткичлар тизимидан келиб чиққан ҳолда рақобатбардошликтин мезонини аниқлаштириш, натижавий кўрсаткичларга асосан тегишли мезонни танлаш мақсадга мувофиқ.

Замонавий иқтисодий адабиётларда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошликтин даражасини баҳолашга доир кўрсаткичлар борасида турли ёндашувларнинг мавжудлиги сабабли, рақобатбардошликтин мезонига нисбатан ягона хулоса шакллантирилмаган. Аксарият иқтисодий адабиётларда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг мезони мамлакатнинг халқаро алмашинув тизимидағи фаолият натижаси сифатида эътироф этилади. Шунинг учун айрим мамлакатлар амалиётида, халқаро рақобат мұхитини енгиб ўтишда жорий операциялар балансини ёмонлаштирумасдан ички талабнинг юқори даражасини сақлаб қолиш, бу орқали халқаро бозорда мамлакатнинг экспорт имкониятларини кенгайтиришга устуворлик берилади. Мазкур амалиёт ўзининг ижобий самарасини қисқа муддатли давр учун берсада, ташқи савдо жараёнлари билан боғлиқ операцияларда нотариф тўсиқларнинг роли ортиб бориши ҳисобига экспорт таркибидаги хом ашё маҳсулотлари асосий улушга эга бўлган мамлакатлар иқтисодиёти катта зарар кўради.

Бизнингча, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичларини асослаш ва тизимлаштириш, уларнинг ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқ ҳолатларга самарали ечим топишда, рақобатбардошликтин баҳолаш бўйича етакчи тажрибага эга бўлган халқаро ташкилотлар фаолиятига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу борада Жаҳон иқтисодий форуми (World Economic Forum)нинг методологиясига алоҳида аҳамиятга эга.

Жаҳон иқтисодий форуми 2004 йилдан бўён мамлакатлар иқтисодиёти рақобатбардошлигини баҳолашнинг индекси ва субиндексларини шаклла-ниши, рақобатбардошликтин кўрсаткичларининг ривожланиш хусусиятлари ва омиллари билан боғлиқ жараёнлар бўйича ўзига хос методологик йўналишга эга глобал рақобатбардошликтин ҳисоботини юритиб келади.

Мамлакатлар рақобатбардошлигини умумлаштирган тарзда баҳолаш тизими Колумбия университети профессори Хавиер Сала-и-Мартин томонидан тавсия этилган бўлиб, мазкур тизим Жаҳон иқтисодий форуми томонидан амалиётга жорий этилган.

Жаҳон иқтисодий форумининг “Глобал рақобатбардошликтин ҳисоботи” дунёнинг турли мамлакатлари учун рақобатбардошликтин кўрсаткичларини умумлаштирувчи тўплам ҳисобланади. Жаҳон иқтисодий форуми глобал рақобатбардошликтин билан боғлиқ

ҳисоботи орқали дунё мамлакатларининг ўрта муддатли истиқболдаги иқтисодий ривожланиш даражасини баҳолайди.

Жаҳон иқтисодий форумининг “Глобал рақобатбардошлиқ ҳисоботи” мамлакатлар рақобатбардошлиқ даражасини баҳолаш учун жамланган 200 га яқин кўрсаткичлар тизимини ўзида бирлаштирган бўлиб, қуийдаги параметрлар бўйича тақсимланади:

1. Институтлар сифати;
2. Инфратузилма;
3. Макроиқтисодий барқарорлик;
4. Соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим;
5. Олий таълим ва касбий тайёргарлик;
6. Товар ва хизматлар бозорининг самарадорлиги;
7. Меҳнат бозори самарадорлиги;
8. Молия бозорининг ривожланиши;
9. Технологик ривожланиш даражаси;
10. Ички бозор ҳажми;
11. Бизнес муҳити;
12. Инновацион салоҳият.

Ҳар бир омил таркибида бирлашган субиндекслар мамлакатларнинг рақобатбардошлиқ рейтингини шакллантириш билан боғлиқ индексни ҳисоблаш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Омилларнинг тегишли субиндекслари бўйича “ўртача вазн коэффициент”лари шакллантирилган бўлиб, ушбу коэффициентлар орқали ҳар бир омилнинг ўзгарувчан қиймати таҳлил қилинади (1-жадвал).

1-жадвал.

Жаҳон иқтисодий форумининг мамлакатлар иқтисодиёти рақобатбардошлигини баҳолашнинг вазн коэффициентлари[13]

№	Таркибий гурухланган омиллар	Индекс ҳисоблашдаги вазни қийматлар
1.	Асосий талаб омиллари: Институтлар сифати Инфратузилманинг ривожланиш даражаси Макроиқтисодий барқарорлик Соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим сифати даражаси	25% 25% 25% 25%
2.	Ишбилармонлик муҳити самарадорлигини ошириш омиллари: Олий таълим ва касбий тайёргарлик Маҳсулот бозори самарадорлиги Товар ва хизматлар бозори самарадорлиги Молия бозорининг ривожланиши Технологик тайёргарлик Ички бозор ҳажми	17% 17% 17% 17% 17% 17%
3.	Инновацион ва бизнес мукаммаллиги омиллари: Бизнес муҳити Инновацион салоҳият	50% 50%

Мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлиқ индексининг айrim таркибий қисмлари ва уларни баҳолаш методологияси билан боғлиқ хусусиятларни ривожланган

ва ривожланаётган мамлакатлар бўйича “ўртacha вазн коэффициент”лари асосида таснифланиши глобал рақобатбардошлиқ индекси ҳисботида ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар рақобатбардошлиқ даражасини баҳолашда тегишли омиллардан фойдаланиш билан боғлиқ кескин тафовутни қисқартириш имкониятини беради.

Ҳисботда мамлакатлар рақобатбардошлигини кучли ва заиф томонларини батафсил кўриб чиқилиш мамлакатларни иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ ислоҳотларни самарадорлигини баҳолаш имкониятини беради. Ҳар бир омилнинг қиймати оддий ўртacha арифметик йиғиндини омил кўрсаткичлари қийматларининг вазнли йиғиндисига бўлиш йўли орқали топилади.

Натижалар. Глобал рақобатбардошлиқ ҳисботида рақобатбардошлики ошириш омилларининг устуворлигига мувофиқ мамлакатларни рақобатбардошлиги қуидагича тоифаланади;

1. Рақобатбардошликини таъминлашда асосий талаб омилларининг хукмронлик босқичига эга бўлган мамлакатлар;
2. Рақобатбардошлик даражасини ишбилармонлик муҳити омиллари самарадорлигини юқори кўрсаткичлари ҳисобига таъминловчи мамлакатлар;
3. Инновацион ва бизнес мукаммаллиги ҳисобига рақобатбардошлик даражаси юқори бўлган мамлакатлар.

Жаҳон иқтисодий форуми билан бирга қатор ҳалқаро ташкилотлар глобал рақобатбардошлиқ индекси билан боғлиқ ҳисботларни юритиб келади. Хусусан бу борада Ҳалқаро менежментни ривожлантириш институти (International Institute for Management Development, IMD) ҳисботлари муҳим аҳамиятга эга.

Ҳалқаро менежментни ривожланиш институти 1989 йилдан буён ўзининг глобал рақобатбардошлиқ рейтинги билан боғлиқ ҳисботини нашр этиб келмоқда. Ушбу рейтинг тизими тегишли иқтисодий адабиётлар, ҳалқаро, миллий ва минтақавий доирада фаолият олиб борувчи бизнес вакиллари, давлат институтлари ва олимларнинг кенг қамровли тадқиқотлар натижалари асосида танлаб олинган 336 та кўрсаткичлар асосида шакллантирилади[16]. Ушбу кўрсаткичлар глобал иқтисодиётнинг ривожланиши билан боғлиқ жараёнлар таъсирини ҳисобга олиб, мунтазам равишда қайта кўриб чиқиласди ва янгилаб борилади.

Ҳалқаро менежментни ривожлантириш институтининг “Жаҳон рақобатбардошлиқ йилномаси” кенг қамровли йиллик тадқиқот сифатида, мамлакатларнинг рақобатбардошлиги бўйича бутун дунё мамлакатлари иқтисодиёти билан боғлиқ кўрсаткичлар тизимини ўзида акс этади. Ушбу кўрсаткичлар кенг қамровли тадқиқотларга асосланган сўров ва статистик маълумотларга асосланади.

Ҳисботда мамлакатларнинг тармоқ ва соҳалари фаолиятида қўшилган қиймат яратишида давлат ташкилотларининг ваколатлари, ваколатларни ижро механизми таҳлил қилинади. Давлатни ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган ташкилий-иктисодий механизми орқали, корхоналарда қўшилган қиймат яратиши рағбатлантиришга доир инфратузилмалар, институтлар ва ташки омиллар билан тавсифланган муҳитни таъминлаши эътироф этилади.

Ҳалқаро менежментни ривожлантириш институтининг рақобатбардошлиқ рейтингида мамлакат рақобатбардошлиги тўртта асосий компонент: иқтисодий

фаоллик, ҳуқумат фаолияти, бизнес самарадорлиги ва инфратузилма фаолияти орқали умумлаштирилади. Уларнинг ҳар бири рақобатбардошликтининг турли жиҳатларини акс этган омилдан ташкил топади.

Асосий кўрсаткичлар таркибида таянч кўрсаткичлар шакллантирилган бўлиб, унга кўра иқтисодиётнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган жиҳатлар эътиборга олинган (2-жадвал).

2-жадвал

Халқаро менежментни ривожлантириш институти томонидан мамлакатлар рақобатбардошлик кўрсаткичларини гурухланиши[14]

№	Мамлакат рақобатбардошлигини асосий компонентлари	Рақобатбардошликни ифодаловчи кўрсаткичлар тизими
1.	Иқтисодиёт фаолият	<ul style="list-style-type: none"> - мамлакатнинг иқтисодий ҳолати; - халқаро савдо фаолияти; - халқаро капитал ҳаракатидаги иштироки; - нархлар даражаси; - аҳоли бандлиги.
2.	Давлатчилик тизими	<ul style="list-style-type: none"> - молия сиёсати; - солиқ сиёсати; - ташкилий ислоҳотлар; - тадбиркорлик қонунчилиги; - ижтимоий ислоҳотлар.
3.	Бизнес фаолияти	<ul style="list-style-type: none"> - асосий ишлаб чиқариш; - меҳнат бозори; - бошқарув фаолияти; - молия муносабатлари; - муносабат ва қадриялар.
4.	Инфратузилма ҳолати	<ul style="list-style-type: none"> - инфратузулмалар мавжудлиги; - илмий ишланмалар; - технологик тараққиёт; - таълим даражаси; - саломатлик даражаси ва атроф-муҳит ҳолати.

Рақобатбардошлик кўрсаткичларининг бутун мажмуаси 100 баллик баҳолаш тизимида асосланган. Маълумотларни хусусиятларидан келиб чиқиб, баҳолаш жараёни 2 босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда тегишли статистик кўрсаткичлар таҳлил қилиниб, умумий натижанинг 70 фоизи ушбу таҳлил натижаларига асосланади. Иккинчи босқичда ҳар бир давлатда иқтисодиётининг турли тармоқ ва соҳаларини юқори ва ўрта буғинида фаолият олиб бораётган менежерлардан олинган сўровнома натижалари сарҳисоб қилинади. Бунда, сифат кўрсаткичлари эксперт характеристига эга бўлиб, баҳолашнинг натижавий қийматини 30 фоизи ушбу сўровнома натижаларига асосланади.

Юқорида мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичлари билан боғлиқ халқаро ташкилотларнинг умумметодологик хусусиятлари ўзида мамлакат рақобатбардошлигини баҳолаш билан боғлиқ жараёнларни тизимли ривожланиш хусусиятларини акс этса-да, ушбу кўрсаткичларни шакллантиришни индивидуал омилларига аҳамият берилмаганлигини қузатишимииз мумкин.

Мамлакатлар иқтисодиёти рақобатбардошлигини баҳолашнинг Жаҳон банки методологиясида 100 балли баҳолаш мезонига мувофиқ кўрсаткичлар тизими қўйидагича шакллантирилган (3-жадвал).

3-жадвал

**Жаҳон банкининг мамлакатлар рақобатбардошлиқ даражасини тавсифловчи
кўрсаткичлар тизими ва баҳолаш тартиби[15]**

Кўрсаткичлар	Таркибий элементлар	Баҳолаш мезони	Изоҳ
1. Сиёсий ризк даражаси, (C_p)	<ul style="list-style-type: none"> - маҳсулот етказиб бериш (хизмат кўрсатиш) учун тўловларни амалга оширмаслик имконияти - кредитлар, молиявий мажбуриятлар, дивиденdlар бўйича дефолтлар - инвестиция қилинган капитални репатриация қилишнинг мумкин эмаслиги 	max = 25 балл	Хавф қанчалик паст бўлса, рейтинг шунчалик юқори бўлади
2. Иқтисодий истиқбол, (I_i)	Жорий йилдаги ривожланиш кўрсаткичларига мувофиқ келгуси йил учун шакллантирилган прогноз кўрсаткичлари	max = 25 балл	
3. Ташқи қарз, (T_k) $T_k = A + (B \times 10) - (C \times 10)$	Мамлакат умумий қарзининг ЯИМга нисбати, А Қарзнинг экспорт миқдорига нисбати, В ЯИМга нисбатан жорий ҳисобкитоб баланси, С	max = 10 балл	Формулага мувофиқ рақамли қиймат қанчалик паст бўлса, рейтинг шунчалик юқори бўлади
4. Дефолт ёки қарзни қайта тузиш туфайли юзага келган ташқи қарз, (T_k)	Молиявий мажбуриятларни бажариш (бажармаслик) ёки қарзни тўлаш муддатини кечикириш	max = 10 баллов	Тўловсиз мамлакатлар максимал балл олади; 0 балл - молиявий мажбуриятларни бажармаган ёки муддати кечикирилган
5. Кредит рейтинги (кредит қарзлари бўйича тўлов қобилияти)		max = 10 баллов	Энг тўловга қодир фирмалар учун максимал балл Дунёнинг етакчи рейтинг компаниялари иМоодъъс, СтандарцПоофъс, Фитш томонидан баҳоланган)
6. Банк ресурсларидан фойдаланиш имконияти	Хусусий, узоқ муддатли, кафолатланмаган кредитларнинг ЯИМга нисбати	max = 10 баллов	Ҳисоб-китоблар манбаи "Глобал Девелопмент Финанс"
7. Қисқа муддатли молиявий ресурслардан фойдаланиш имконияти	<p>Капитал бозорида ресурсларни муаммосиз олиш имконияти: 95% ҳолларда капитал бозорида ресурсларни муаммосиз олиш имконияти</p> <p>Кириш ҳеч қандай муаммо эмас Муайян шароитларда кириш истисно қилинмайди Кириш умуман мумкин эмас.</p>	max = 5 балл = 4 балл = 3 балл = 2 балл = 1 балл = 0 балл	

8.Форфейting хизматларидан фойдаланиш, (Φ_x)	Кириш хавф-хатарсиз	мак = 5 балл	Манба: Morgan Crenfell, Trade Finance, Standard Bank
---	---------------------	--------------	--

Мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини баҳолашнинг айрим индивидуал кўрсаткичлари рус иқтисодчи олимларидан Р.А.Фатхутдиновнинг мамлакат рақобатбардошлигини тавсифлашга доир кўрсаткичлар тизимини шакллантиришга доир тадқиқотларида келтирилган. Тадқиқот жараёнида рақобатбардошлик кўрсаткичлар қўйидагича тизимлаштирилган:

- 1) ИТТКИга давлат бюджетидан ажратилган харажатлар (ЯИМга нисбатан фоизда);
- 2) давлат бюджетидан инсон тараққиёти учун харажатлар (ЯИМга нисбатан фоизда);
- 3) мамлакатдаги сиёсий тизимнинг барқарорлиги (балда);
- 4) аҳоли жон бошига ЯИМ миқдори (минг АҚШ доллари ҳисобида);
- 5) ўртача умр кўриш даражаси;
- 6) ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги (экспорт ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан, фоизда);
- 7) аҳоли жон бошига табиий ресурслар тақсимоти бўйича мамлакатнинг жаҳондаги ўрни;
- 8) инфляция даражаси, фоизда;
- 9) дунёдаги 250 та энг йирик рақобатбардош корхоналар таркибида мамлакат корхоналарининг улуши.

Шунингдек, Фатхутдинов Р.А. Мамлакатнинг рақобатбардошлигини баҳолаш учун 2-формулани таклиф қиласди:

$$M_r = \sum_{j=1}^n b_i k_j = 1,0, \quad (1)$$

бу ерда:

b_i – рақобатбардошликтининг омилининг аҳамияти ($i = 1,0$);

k_j – рақобатбардошлик омили ($K_j = \Pi_i / \Pi_{hi}$);

Π_i – мутлоқ қиймат;

Π_{hi} – омилнинг меъёрий қиймати.

Хориж иқтисодчи олимларидан В.Кнежевич, Д.Ивкович, С.Вуйчич ривожланган мамлакатларнинг рақобатбардошлигини ўрганишга доир тадқиқотлари давомида мамлакат рақобатбардошлиги асоси бизнес юритиш тизими мукаммаллиги ва инновацияларга асосланганлиги эътироф этиб, мамлакат рақобатбардошлик кўрсаткичларини қўйидагича тизимлаштира-дилар:

1. Институтлар;
2. Инфратузилма;
3. Макроиктисодий муҳит;
4. Соғлиқни сақлаш ва бошланғич таълим;
5. Олий таълим ва кадрлар тайёрлаш;
6. Товар бозорининг самарадорлиги;
7. Мехнат бозорининг самарадорлиги;
8. Молия бозорларининг ривожланиши;
9. Технологик тайёргарлик;
10. Инновациялар.

П.Становник тадқиқотларида мамлакат рақобатбардошлигини баҳолаш ҳамда унинг методологик хусусиятлари тегишли омилларга боғлиқ эканлиги қайд этилади. Ушбу омиллардан самарали фойдаланиш мамлакат худудида фаолият олиб бораётган корхоналарга боғлиқ деб ҳисоблайди. Шу боисдан корхоналар фаолият самарадорлиги миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолаш жараёнидаги умумий мезон ҳисобланади деган холосага келиб, мазкур мезон билан боғлиқ кўрсаткичларни қўйидагича тизимлаштиради[12]:

1. мамлакатнинг ички бозорида фаолият олиб бораётган корхоналарни ташқи бозорларга кириб бориш салоҳияти;
2. глобаллашув жараёнларида ички бозорнинг ўрни;
3. корхона фаолиятини тегишли жараёнларга нисбатан реал активлар билан таъминланганлиги;
4. корхоналарнинг ташқи бозордаги индивидуал фаолияти билан риск даражаси.

Хулоса. Фикримизча, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолашнинг мезони ва кўрсаткичлари билан боғлиқ методологик ёндашувларда мамлакатлар иқтисодиётининг ривожланиш даражасига эътибор қаратилин-маган. Ўз ўрнида ушбу ҳолат мамлакатларнинг рақобатбардошлик устунлигини таъминлаш омилларидан фойдаланиш даражаси ўртасидаги тафовутлар ҳисобига тегишли холоса чиқариш имкониятини бермайди. Бизнингча, бу борада самарали йўналишни шакллантириш мақсадида рақобатбардошликни таъминлаш кўрсаткичларини нисбий ва мутлоқ кўрсаткичлар тизимига ажратиш мақсадга мувофиқ.

1.4-жадвал

Мамлакатлар рақобатбардошлик даражасини баҳолашга доир мутлоқ ва нисбий кўрсаткичлар тизими[17]

T/p	Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолашнинг мутлоқ кўрсаткичлар тизими	Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолашнинг нисбий кўрсаткичлар тизими
1.	давлатчилик тизими	мамлакат ялпи ички маҳсулотининг тузилмавий таркибини такомиллашув даражаси
2.	макроиқтисодий мухит	мамлакат саноат тармоқларининг тузилмавий таркиби ва уни такомиллашув даражаси
3.	мамлакат молия тизими	аҳоли бандлигининг худудий, тармоқ, интеллектуал ва ёш таркиби
4.	мамлакат иқтисодиётини табиий ресурслар билан таъминланганлиги	саноат ишлаб чиқаришнинг тузилмавий таркибини такомиллашув даражаси
5.	ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар	мамлакат экспортининг тузилмавий таркиби
6.	инфратузилма тармоқлари ва уларнинг ривожланиши	мамлакат импортининг тузилмавий таркиби
7.	мамлакат иқтисодиётини энергия мустақиллиги	мамлакатда молия бозорларининг ривожланиш даражаси
8.	иқтисодиёт тармоқларини техник-технологик жиҳатдан таъминланганлиги	аҳоли жон бошига ЯИМ миқдори
9.	қисқа ва узоқ муддатли қарз мажбуриятларини қопланиш даражаси	ишибилармонлик мұхити

10.	инновацион салоҳият	фан-техника тараққиётини иқтисодиёт тармоқларига йўналтирилганли ва самарадорлиги
11.	мамлакатдаги сиёсий тизимнинг барқарорлиги	банк кредитларининг диверсификациялашув даражаси
12.	ички бозор сифими	
13.	ташқи қарз мажбуриятларини кафолатганилиги	
14.	ташқи қарз мажбуриятларини иқтисодиётнинг тармоқ ва соҳалари фаолияти ўзлаштирилиши	
15.	мамлакатнинг капитал ҳаракатидаги иштироки	

Мамлакатлар рақобатбардошлиқ даражасини баҳолашга доир мутлоқ ва нисбий кўрсаткичларни ялпи ички маҳсулотга тўғридан тўғри таъсирини ҳисобга олиб, фикримизча миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини баҳолаш мезони бу ялпи ички маҳсулот бўлади. Мазкур кўрсаткичлар ялпи ички маҳсулотни тузилмавий таркибини такомиллаштириш, мутлоқ ҳажмини ошириш жараёнларига таъсир кўрсатади.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>
2. Портер М. Конкурентная стратегия: методика анализа отраслей и конкурентов [Текст] / Майкл Портер. Электрон. текстовые данные. – Москва: Альпина Паблишер, 2020.– 456 с
3. Knežević V., Ivković D., Vujičić S. Competitiveness and development of national economy //Economic analysis. – 2014. – Т. 47. – №. 1-2. – С. 111-126.
4. Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность: экономика, стратегия, управление : Учеб. для студентов вузов, обучающихся по техн. и экон. специальностям. - Москва: ИНФРА-М, 2000. - 311 с.
5. Виноградова Т.Г. Конкурентоспособность: методы и оценка / Т.Г. Виноградова // Известия СПбГАУ. — 2019. — №43. – С. 84-86
6. Мокроносов А.Г. Конкуренция и конкурентоспособность: учебное пособие / А. Г. Мокроносов, И.Н. Маврина. – Екатеринбург: Изд-во Урал ун-та, 2016. – 194 с.
7. Павленко Н.С. Показатели конкурентоспособности / Н.С. Павленко, О.А. Рущицкая // Аграрное образование и наука. 2017. № 1. С. 58.
8. Nasimov I.X, Patterson I, Ibodov K.M. Hozirgi zamon raqobat nazariyalari. O'quv qo'llanma. – Samarqand:, SamDU nashriyoti, 2021 yil. – 72 b.
9. Axunova G.N, Shamshiyeva N.N. Raqobat strategiyasi. O'quv qo'llanma. –T.: “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi”, 2021 y. 236 b.
10. Яхшиева М.Т. Ҳозирги заман рақобат назарияси: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2019. – 280 бет.
11. Салаев Д.С. Миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг устувор йўналишлари // Экономика и финансы (Узбекистан). 2018. №5. URL: https://cyberleninka.ru/_article/n/milliy-i-tisodiyot-ra-obatbardoshligini-oshirishning-ustuvor-y-nalishlari (дата обращения: 21.07.2023).

12. Peter Stanovnik Measuring competitiveness of national economies. WORKING PAPER No. 6 http://pdc.ceu.hu/archive/00001\92/01/Working_paper-06.pdf
13. <https://www.weforum.org/>
14. <https://www.imd.org/>
15. <https://www.worldbank.org/en/home>
16. <https://www.imd.org/centers/wcc/world-competitiveness-center/rankings/world-competitiveness-ranking/2023/>
17. Тадқиқот натижаларига мувофиқ муаллиф томонидан шакллантирилган.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

Nº 9 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари” электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.**

**Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамияти**

Таҳририят манзили:
100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com
Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).